



# Халқ сўзи

Ўзбекистон –  
келажаги  
буюк  
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 1 март, № 43 (8938)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ЎЗАРО МАНФААТЛИ АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси  
Ҳукумати Раисининг ўринбосари Марат Хуснуллин бошчилигидаги  
делегацияни қабул қилди.



Учрашув аввалида юқори мартабали меҳмон давлатимиз раҳбарига Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ва Ҳукумати Раиси Михаил Мишустиннинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Россия етакчисининг ўтган йил май ойидаги Ўзбекистонга давлат ташрифи давомида эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида ўзаро манфаатли амалий ҳамкорликни, шу жумладан, қурилиш тармоғида ва ҳудудларни ривожлантириш соҳасида кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Қурилиш соҳасида кенг кўламли кооперацияни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Икки мамлакат ташкилотлари ва компаниялари иштирокида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари доирасида инфратузилма объектларини лойиҳалаштириш ва қуриш, қурилиш материаллари ва ускуналар етказиб бериш шундай лойиҳалар жумласидан.

Улушли қурилиш, лойиҳалаштириш, экспертиза, рақамлаштириш ва давлат харидларини амалга ошириш бўйича тажриба алмашишни давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Матбуот хизмати сурати.

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ТАБРИК

Қадрли ватандошлар!

Аввало, сиз, азизларни, юртимиздаги барча мўмин-мусулмонлар ва бутун халқимизни эзгулик, хайру саховат ва меҳр-оқибат ойи бўлган Рамазони шарифнинг қайру келиши билан чин қалбимдан самимий муборакбод етаман.

Ушбу қутлуг айёмда мана шундай мунаввар ойни эл-юртимиз билан биргаликда тинч ва осойишта муҳитда қутиб олаётганимиз учун Аллоҳ таолога беҳисоб шукроналар айтимай.

Ҳозирги вақтда барча соҳа ва тармоқлардаги ислохотларимиз муқаддас ислом динининг одамийлик моҳиятига уйғун бўлган **“Инсон қадри учун, инсон бахти учун”** деган эзгу ғоя асосида амалга оширилаётганини кўллаб мисолларда кўриш мумкин.

Жумладан, ижтимоий ҳимоя тизими самарасини юксалтириш, беморлар, ногиронлиги бўлган, кекса ва ёрдамга муҳтож инсонларни, ёшлар ва хотин-қизларни, чет эллардаги фуқароларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, фарзандларимизнинг таълим-тарбиясига эътиборни кучайтириш, муқаддас қадамжо ва ил-фурқатларни обод қилишга қаратилган саъй-ҳаракатлар тобора кенгайиб бораётганини таъкидлаш лозим.

Бу борада бошлаган ишларимизни изчил давом эттириш, юртимиздаги тинч ва фаровон ҳаётни, миллатлар ва динлараро ҳам-жихатлик муҳитини кўз қорачигидек асраб-авайлаш бундан буюн ҳам доимо эътиборимиз марказида бўлади.

Пок ниятлар ижобат бўладиган ушбу қутлуг ойда ҳаҳоннинг турли минтақаларидаги уруш-жанжаллар, низо ва адоватлар барҳам топиб, бутун дунёда тинчлик, ўзаро ҳурмат, бағрикенглик ва ҳамкорлик барқарор бўлишини чин дилдан сўраб, дуолар қиламиз.

Ер юзидаги барча мўмин-мусулмон биродарларимизни, дўст ва ҳамкорларимизни Рамазон ойининг бошланиши билан самимий қўтлаб, уларнинг мамлакатлари ва халқларига осойишталик, равнақ ва фаровонлик тилаймиз.

Азиз ватандошлар!

Рамазони шарифни оила ва яқинлар даврасида катта хурсандчилик билан қутиб олаётган сиз, муҳтарам юртдошларимни яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Ушбу муқаддас ойда қилинадиган ибодат ва дуолар, эҳсон ва амалларни Парвардигори олам ўз даргоҳида қабул этсин!

Халқимизнинг эзгу орзу-интилишлари рўёбга чиқсин!

Рамазон ойи барчамизга муборак бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти

## ИЖТИМОЙ СОҲАДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ЛОЙИҲАЛАРИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА «ЙЎЛ ХАРИТАЛАРИ» ИШЛАБ ЧИҚИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 28 февраль куни ижтимоий соҳада  
давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини самарали ташкил қилишга оид  
тақдимот билан танишди.

Иқтисодиётда давлат улушини кескин қисқартириш бўйича мамлакатимизда катта ислохотлар олиб борилмоқда. 2019 йилда “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонун қабул қилингани бунга кенг йўл очди.

Бундай шериклик ижтимоий соҳаларда яхши натижалар беряпти. Масалан, 1 миллион 200 минг ўринли хусусий богчалар очилгани туфайли қамров даражаси 77 фоизга чиқди. Олий таълим тизимида 57 та лойиҳа самарасида 29 минг талаба ётоқхона билан таъминланди. Тиббиётда отоларингология, диагностика, лаборатория каби хизматларда хусусий сектор улуши анча юқори.

Шунга қарамай бу борада ҳали имконият ҳам, талаб ҳам кўп. Тақдимотда тиббиёт, таълим, маданият ва спорт йўналишларида давлат-хусусий шерикликни кенгайтириш бўйича тақлифлар муҳокама қилинди.

Осиё тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси, Европа тараққиёт ва тикланиш банки ҳамда бошқа ҳамкорлар билан биргаликда соғлиқни сақлаш соҳасида жами қиймати 1,2 миллиард долларлик 5 та, мактабгача ва мактаб таълими соҳасида 745 миллион долларлик 6 та ҳамда олий таълим соҳасида 100 миллион долларлик лойиҳалар-

ни амалга ошириш чоралари белгилаб олинди.

Хусусан, Тошкент, Фарғона, Бухоро, Андижон ва Самарқанд шаҳарларида кўп тармоқли замонавий клиникалар қурилади. Худудлардаги марказий шифохоналарда тиббиёт билан боғлиқ бўлмаган хизматлар хусусий секторга ўтказилади.

Маданият ва спорт соҳаларидаги айрим фаолиятларга хусусий секторни жалб қилиш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Ҳозирги кунга қадар 43 та маданият маркази хусусий секторга берилган бўлиб, яна қўшимча 127 тасини бериш имконияти аниқланган.

Шу каби бўш турган бассейн, спорт зали ва майдонларини ҳам янгилаб, соғломлаштириш хизматларини кенгайтириш зарурлиги қайд этилди. Бунинг учун маданият ва спорт иншоотларини соддалашган тартибда хусусий шерикликка бериш тақлифи илгари сурилди.

Давлатимиз раҳбари ижтимоий соҳадаги вазирликлар ҳамда маҳаллий ҳокимликларга тегишли объектлар кесимида “йўл хариталари”ни тасдиқлаб, ижросини таъминлаш, хусусий шериклик лойиҳаларини жадаллаштириш бўйича топшириқлар берди.

Ў.А.

### Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Умумжаҳон почта иттифоқининг  
Уставига Ўнинчи  
қўшимча баённомани  
(Аддис-Абеба, 2018 йил  
7 сентябрь) ва Ўн биринчи  
қўшимча баённомани  
(Абиджан, 2021 йил 26 август)  
ратификация қилиш  
тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 11 декабрда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2025 йил 22 февралда маъқулланган

Умумжаҳон почта иттифоқининг Уставига Ўнинчи қўшимча баённома (Аддис-Абеба, 2018 йил 7 сентябрь) ва Ўн биринчи қўшимча баённома (Абиджан, 2021 йил 26 август) ратификация қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2025 йил 28 февраль  
№ УРҚ—1039

### Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикаси  
Ҳукумати билан  
Қатар Давлати Ҳукумати  
ўртасида икки томонлама  
стратегик шериклик  
муносабатларини ўрнатиш  
тўғрисидаги Битимни  
(Тошкент, 2024 йил 15 апрель)  
ратификация қилиш  
ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 11 декабрда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2025 йил 22 февралда маъқулланган

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қатар Давлати Ҳукумати ўртасида икки томонлама стратегик шериклик муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги Битим (Тошкент, 2024 йил 15 апрель) ратификация қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2025 йил 28 февраль  
№ УРҚ—1040

### Олий Мажлис Сенатида

## 100 КУНЛИК ФАОЛИЯТ: ИСЛОҲОТЛАР ВА ИЖРО

Давлат раҳбари иштирокида ўтказилган Олий Мажлис Сенатининг биринчи ялпи мажлиси ҳамда парламент юқори палатасининг бешинчи чақириғи ўз фаолиятини бошлаганига 100 кун тўлди! Ҳўш, ўтган давр мобайнида янги таркибдаги парламент юқори палатаси аъзолари қандай ишлар билан банд бўлди?

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис Сенатининг биринчи ялпи мажлисида нутқ сўзлаб, дунё саҳнида юз бераётган вазиятларни инобатга олган ҳолда парламент олдига янги вазифаларни қўйди. Шу асосда сенаторлар янги Ўзбекистонни барпо этиш, халқимиз учун осойишта ва фаровон ҳаёт яратиш йўлида бор куч-салоҳиятини ишга солиб, фаолият юритиб келмоқда.

Қонунчилик фаолиятига тўхталадиган бўлсак, ўтган даврда Сенатнинг 4 та ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Унда жами 50 дан ортиқ масалалар, давлат ва жамият ҳаётида муҳим роль ўйнавчи 48 та қонун кўриб чиқилди. 47 таси маъқулланиб, концептуал эътирозлар мавжудлиги боис биттаси рад этилди.



2

## МИЛЛИЙ ҚЎШИҚЧИЛИК САНЪАТИ ЙЎЛИДАГИ ФИДОКОРОНА ИЖОДНИНГ ЮКСАК ЭЪТИРОФИ

Миллий қўшиқчилик санъатимизнинг толмас тарғиботчиси, Ўзбекистон халқ артисти Фуломжон Ёқубов ўзининг жўшқин қўшиқлари, ўзига хос ижро услуби билан муҳлислар эътиборини қозонган. Шу кунларда санъаткор қутлуг 75 ёшини қаршиламақда.

Пойтахтимиздаги «Халқлар дўстлиги» санъат саройида Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Фуломжон Ёқубов таваллуд санаси муносабати билан катта концерт дастури бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбекистон халқ артисти Фуломжон Ёқубовни муқофотлаш тўғрисида»ги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси

Хайриддин Султонов ўқиб эшиттирди. Унга кўра Фуломжон Ёқубов миллий қўшиқчилик санъатимизни ривожлантириш борасидаги хизматлари, ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланди.

Мазкур муқофотни санъаткорга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева топширди.



3



# 100 КУНЛИК ФАОЛИЯТ: ИСЛОҲОТЛАР ВА ИЖРО

Ялпи мажлисларда бир ёки икки кун эмас, лозим бўлса тўрт кун давомида қонунлар синчиклаб, ҳудудлар манфаати ҳимоя қилинган ҳолда муҳокама этилмоқда. Маҳаллий Кенгашлар депутатлари ва Ёшлар парламентлари аъзоларининг фаол иштироки йўлга қўйилди.

Янги конституциявий ваколатлардан келиб чиқиб, кўмиталар томонидан қонунчилик ташаббусини илгари суриш бўйича ишлар давом эттирилди. Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари кўмитаси томонидан болаларни соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонунчилик таклифи ишлаб чиқилди. Жорий йилнинг биринчи ярмида бу каби қонунчилик ташаббуслари сонини 9 тага етказиш мақсад қўйилди.

Асосийси, сенаторлар 100 кун давомида қонунчилик фаолиятининг ўзи билан чекланиб қолгани йўқ! Қонунлар ижроси назоратида ҳам фаол қатнашди. 21 та назорат тadbiri ўтказилди, 8 мартаба масъул вазирлик ва идораларнинг ахборотлари эшитилди. 2 та жамоатчилик эшитиш ташкил этилди. Сенат Кенгаши даражасида 2 мартаба долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид муҳокамалар ўтказилди, 10 та сенаторлик сўрови юборилди.

Ва буларнинг барчаси халқимизнинг турмуш ҳаётида мураккабликларни келтириб чиқараётган масалаларнинг ижобий ҳал этилишига хизмат қилаётгани эътиборга моликдир. Жумладан, Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси раиси Абдулҳаким Ёшмуратов томонидан Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматига юборган сенатор сўрови натижасида Сурхондарё вилоятидаги “Ватанпарвар” ташкилотига қарашли автомакбалирга қисқа муддатда лицензиялар берилди.

Бюджетни шакллантириш жараёнида Сенатнинг Ҳукумат билан ҳамкорлиги йўлга қўйилиб, ижобий амалиёт шаклланди. Ҳудудлардаги ўрганишлар, аҳоли билан мулоқотлар асосида ҳар йили Давлат

бюджетида назарда тутиш учун таклифлар тайёрланиб, Ҳукуматга тақдим этилмоқда.

2025 йилги бюджет параметрларида Сенат таклифлари асосида 200 та лойиҳага 1,7 трлн. сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Сенат Кенгаши даражасида 2 мартаба долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид муҳокамалар ўтказилди. Улардан бири Тошкент шаҳрининг Яккасарой туманида Сенат Кенгашининг сайёр мажлиси шаклида бўлиб ўтди.

Ўрганишлар ва мулоқотлар натижасида Боёвут ва Олот туманларини 2025 — 2027 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва камбағалликни қисқартириш бўйича Ҳукумат қарорлари лойиҳалари ишлаб чиқилди ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилди.

Мухим мақсадли кўрсаткичлар белгиланиб, келгуси уч йилда камбағаллик даражасини Боёвутда 2,5 фоизгача, Олот туманида 4 фоизгача тушириш мақсад қилинган. Боёвутда 232 млн. долларлик, Олотда 336 млн. долларлик хорижий инвестицияларни ўзлаштириш, экспортни Боёвутда 70 млн. долларга, Олот туманида 37,1 млн. долларга етказиш, ҳар йили Боёвут 18 минг, Олот туманида 16 минг аҳоли бандлигини таъминлаш белгиланган.

Маъмур кўрсаткичларга эришиш учун “йўл хариталари” ишлаб чиқилди, уларнинг ижроси Сенатнинг доимий эътиборида бўлади. Парламент назорати доирасида кўмиталар тегишли соҳа ва йўналишлардаги лойиҳалар самарадорлигини ўрганиб боради, сўровлар, эшитишлар ташкил қилинади. Вазифаларнинг вақтида бажарилиши бўйича Ҳукумат, вазирлик, идоралар ҳамда маҳаллий Кенгашлар билан фаол иш олиб борилади.

Доимий асосда ишловчи сенаторлар бевосита ҳудудларда бўлиб, қонунларнинг мазмун-моҳияти, устувор вазифалар ва бошқа муҳим йўналишларда тушунириш ишларини олиб бормоқда. Маҳаллий Кенгашлар, “маҳалла еттилиги” ва аҳоли билан 80 дан зиёд учрашувлар, мулоқотлар уюштирилди.

Парламент юқори палатаси ишчи гуруҳи Андижон, Наманган, Қашқадарё, Тош-



кент вилоятлари ҳамда пойтахт туманларида бўлиб, маҳаллий Кенгашлар фаолияти, депутатлик назорати самарадорлигини ошириш, Сенат Кенгаши томонидан тасдиқланган намунавий ҳужжатларни татбиқ этишда кўмаклашмоқда.

Маъмур давр ичида Сенатга жами 1 845 та мурожаат келиб тушди. 33 мартаба учрашув ўтказилиб, 314 нафар фуқаро қабул қилинди.

Президентимиз Олий Мажлис Сенатининг биринчи ялпи мажлисидаги нутқида мамлакатимизда бўлиб ўтган сайловлар маҳаллий Кенгашлар фаолиятида янги даврни бошлаб бераётганини айтиб ўтганди. Ушбу сўзларга Сенат аъзолари алоҳида аҳамият қаратиб, маҳаллий Кенгашлар фаолиятига кўмаклашишни устувор вазифаларидан бири сифатида белгилаб олди.

Декабрь-январь ойларида барча кўмиталар ўз фаолияти йўналишида маҳаллий Кенгашларнинг тегишли доимий комиссиялари учун ўқув семинарлари ташкил қилди, қўланмалар ҳам тайёрлаб берилди.

Кўмиталарга келиб тушаётган қонунлар ҳамкор доимий комиссиялар иштирокида муҳокама этилмоқда. Сенатнинг ялпи мажлисида олиб чиқиладиган қонунлар юзасидан маҳаллий Кенгашлар хулосаси олинмоқда. Сенат томонидан доимий равишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг қарорлари ва Кенгаш раисларининг фармойишлари мониторинг қилиб боришмоқда.

Олий Мажлис Сенатининг Ахборот хизмати.

## Сенат кўмиталарида МУҲОКАМА МАРКАЗИДА – ХАЛҚАРО МАСАЛАЛАР

Президентимизнинг қатъий сиёсий иродасини амалга ошириш натижасида очик, прагматик ва ташаббускор ташки сиёсат Ўзбекистоннинг “ташриф қоғози”га айланди. Бу ҳусусда Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташки иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари кўмитасининг мажлисида айтиб ўтилди.

Сенаторлар, маҳаллий Кенгашларнинг доимий комиссиялари, соҳа мутахассислари ва экспертлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида ўтган мажлисда Ташқи ишлар вазирлигининг 2024 йилдаги фаолияти ҳисоботи кўриб чиқилди.

2024 йили вазирлик эски қолиплардан воз кечиб, замон талабига ва янги Ўзбекистон ғоясига мос равишда иш олиб боришга эътибор қаратди. Концептуал жиҳатдан тизимни ислоҳ этиш учун қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Давлатимиз раҳбари томонидан маъмурий ислохотлар доирасида Ташқи ишлар вазирлиги фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тасдиқланди.

Мамлакат ташки сиёсатининг устувор йўналиши бўлган минтақа давлатлари билан яхши қўшничилик муносабатлари фаол давом эттирилди. Ҳисобот даврида узоқ ва яқин хорижий давлатлар билан стратегик шериклиكنинг қучайтирилган тизими шакллантирилиб, Озарбайжон, Қозоғистон, Тожикистон билан иттифоқчилик муносабатлари ўрнатилди.

Сенаторлар ва мажлис иштирокчилари Ташқи ишлар вазирлиги фаолиятидаги айрим камчиликларга ҳам тўхталиб, такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсияларини билдирди.

Яқунда кўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

\*\*\*

Шунингдек, кўмитанинг навбатдаги мажлисида икки томонлама шартномаларни ратификация қилиш билан боғлиқ қонунлар муҳокамаси ҳам бўлиб ўтди.

Дастлаб “Ўзбекистон Республикасининг Евросиё тараққиёт банкни таъсис этиш ҳақидаги Битимга (Остона, 2006 йил

12 январь) қўшилиши тўғрисида”ги қонун атрофича муҳокама қилинди. Битимнинг асосий мақсади — инвестиция фаолияти орқали унга қўшилган иштироки давлатларнинг иқтисодий ўсишига ҳамда ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга кўмаклашиш, инвестиция фаолияти орқали Евросиё ҳудудига интеграция жараёнларини ривожлантириш.

Маъмур ҳужжатга қўра ушбу банк ўз фаолиятини халқаро шартномалар, халқаро ҳуқуқ, умумэтироф этилган банк фаолияти тамойиллари ва меъёрларига мувофиқ амалга ошириши, банк низоми ушбу Битимга илова қилинган ҳолда тасдиқланиши назарда тутилган.

Мажлисида “Ўзбекистон Республикаси билан Қирғиз Республикаси ўртасида озодликдан маҳрум этилган шахсларни жазони ўташни давом эттириш учун топшириш тўғрисидаги Шартномани (Тошкент, 2024 йил 18 июль) ратификация қилиш ҳақида”ги қонун ҳам кўриб чиқилди.

Шартнома қондалариға мувофиқ томонлар маҳкумларни топшириш масалаларида максимал даражада ҳамкорлик ўрнатиши белгиланган. Ҳужжатда маҳкумни топшириш билан боғлиқ харажатлар, низоларни ҳал этиш, икки томонлама алоқа тиллари, шартномага ўзгартиришлар киритиш ҳамда унинг қучга кириши, амал қилиши ва тугатилиши тартиби кўрсатиб ўтилган.

Сенаторларнинг қайд этишича, маъмур Шартноманинг ратификация қилиниши икки давлат ваколатли органларига маҳкумни унга белгиланган жазони ўз давлатида ўташи орқали ижтимоий реабилитацияни жадаллаштириш имкониятини беради.

Мажлис яқунда кўмитанинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

## ИҚТИСОДИЁТ, ИНФРАТУЗИЛМА ВА ХАВФСИЗЛИК

Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитасида қонунлар муҳокамасига бағишланган мажлис бўлиб ўтди.

Дастлаб “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига заргарлик саноатини янада ривожлантиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, заргарлик саноатига давлатимиз раҳбари томонидан алоҳида эътибор қартилмоқда. Натижада соҳада фаолият юритаётган корхоналар сони 3 баравар ошди. Соҳа вакиллари 2025 йил якунига қадар қимматбаҳо металл ва тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларнинг йиллик ишлаб чиқариш ҳажмини 1 млрд. долларга ва экспорт кўрсаткичини 100 млн. долларга етказишни мақсад қилган.

Қонуннинг маъқулланиши заргарлик буюмлари ишлаб чиқарувчиларини хомашё билан таъминлашни яхшилаш, экспорт соҳахотини ошириш, корхоналарнинг фаолият қувватларидан самарали фойдаланишни таъминлаш, аҳолининг сифатли заргарлик маҳсулотларига бўлган эътиҳини қаноатлантиришга хизмат қилади.

“Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлашга ҳамда жамоат транспортдан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун ҳам қизгин муҳокама этилди.

Таъкидлангани, охириги йилларда тирбандлик масаласи, айниқса, пойтахтимизда долзарб муаммога айланмоқда.

Ушбу муаммони камайтириш, аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида жамоат транспортига устуворлик бериш йўналишида амалий чоралар қўрилмоқда.

Тошкент шаҳрида автобуслар сони сўнгги икки йилда қарийб 2 мингга ошди, қатновдаги оралик вақт 2 баробар қисқариб, йўловчилар сони 2 қарра кўпайди. Бироқ қонунчиликдаги бўшлиқлар жамоат транспортдан фойдаланишнинг самарадорлигини пасайтириб, қатнов мунтазамлиги ва эркин ҳаракатланишга салбий таъсир қўрматмоқда. Қонуннинг сунъий тўсиқлар ўрнатиш, йўлни тўсиб қўйиш ҳолатларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Кўмита мажлисида, шунингдек, “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун ҳам муҳокама марказида бўлди.

Қонун Миллий гвардия органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, инсон, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоялашга хизмат қилиши таъкидланди.

Яқунда қўрилган масалалар юзасидан кўмитанинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

## ҚОНУНИЙ ТАОМИЛЛАР ВА МУЛҚДОР ҲУҚУҚИ

Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалари кўмитаси томонидан “Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиби-таомиллари тўғрисида”ги Қонуннинг мазмун-моҳиятини тушунириш юзасидан семинар ўтказилди.

### Семинар

Семинарда фуқаролар ҳамда тadbirkorлик субъектларига тегишли бўлган бино ва иншоотлар жойлашган ер участкалари олиб қўйилиши муносабати

билан мулкдорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари кафолатларини мустаҳкамлашни таъминлаш ҳамда етказилган зарарларни қоплашда йўл қўйлаётган кам-

чиликларни бартараф этиш бўйича масъул вазирлик ва идоралар вакилларининг ахборотлари эшитилди.

Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйишнинг ҳуқуқий асослари, ер участкаси ва унда жойлашган кўчмас мулк объектлари учун ҳуқуқ эгаларига компенсация ажратиш тартиби, кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг тугатилиши ҳамда ушбу йўналишдаги муаммо ва кам-

чиликлар юзасидан фикр алмашилди.

Муҳокамада маҳаллий Кенгашларнинг ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарор лойиҳалари “Е-қарор” ягона электрон тизими орқали Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши ва натижаси бўйича тегишли ҳуқуқий хулосалар берилишига эътибор

қаратиш зарурлиги таъкидланди.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар котибиятлари, манфаатдор идоралар вакиллари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Семинар сўнггида ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш бўйича юзгага келадиган муаммо ва камчиликларнинг олдини олиш юзасидан зарур таклиф ва тавсиялар берилди.

«Халқ сўзи».

## АҲОЛИ БИЛАН МУЛОҚОТЛАР САМАРАЛИ БЎЛМОҚДА

Аввал хабар берилганидек, шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари халқ билан яқиндан мулоқотга киришиш, аҳоли муаммоларини ўрганиш, уларга ижобий ечим топиш мақсадида ўз сайлов округларида бўлиб, фуқаролар билан самимий суҳбат қурмоқда. Маҳалла фаоллари, тadbirkorлар, шифокорлар, педагоглар, партиялар вакиллари ва ёшлар иштирокида ўтказилаётган учрашувларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳияти ҳақида батафсил маълумотлар бериляпти. Депутатларнинг сайловчилар билан очик мулоқотлари мунтазамлик касб этаётгани жойлардаги муаммоларни аниқлаш ва уларга ечим топишда муҳим омил бўлаётир.

### Депутатлар — ҳудудларда

#### Ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақида тушунчалар берилди

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Назира Муртובה Жиззах вилоятидаги қатор таълим, тиббиёт муассасаларида бўлиб, аҳоли вакиллари билан учрашувлар ўтказди.

Дастлаб депутат Жиззах шаҳрининг чекка ҳудудларидан бири — Амир Темуэр номидаги маҳаллада жойлашган ижтимоий соҳа объектлари фаолияти билан танишди.

Мактабгача таълим муассасаси ва Оилавий шифокор пунктида яратилган шароитлар, қулайликларни кўздан кечирди. Аҳоли томонидан кўтарилган қатор масалаларни ўз назоратига олиб, уларни ҳал этиш чораларини кўрди. Шунингдек, маҳаллама-маҳалла йўл ёшлар, хотин-қизлар билан суҳбатлашди. Масалан, фуқаро Ойгул Сунатовна хонадониди бўлиб, унинг яшаш шароитларини кўздан кечирди.

Депутат сайловчилар билан учрашувлари давомида Шароф Рашидов тумани тиббиёт бирлашма-

си кўп тармоқли марказий поликлиникаси фаолиятини ҳам ўрганди.

Бу ердаги мулоқот чоғида тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар, соҳага доир қабул қилинаётган қонунлар, Фармон ва қарорлар мазмун-моҳияти ҳақида батафсил тушунчалар берилди.

#### Маҳаллада болалар майдончаси қурилади

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шаҳноза Жолдасова Нукус шаҳрида аҳоли билан мулоқотлар ўтказди. Хусусан, “Қосқўл” МФЙда ўтказилган учрашувда фуқаролар томонидан ижтимоий соҳага оид қатор муаммолар кўтарилди. Яъни болалар боғчаси ва тиббиёт пункти маҳалла ҳудудидан олсиди жойлашганлиги аҳоли учун қийинчиликлар туғдираётгани айтилди.

Депутат мутасадди ташкилот раҳбарлари билан биргаликда ушбу масаланинг ечими бўйича

#### Ижтимоий ёрдам пакети топширилди

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Муқаддас Аҳмедова ҳамда Екатерина Смесова Андижон шаҳрида жойлашган 50-умумтаълим мактабиди бўлиб, ўқувчи ёшлар билан мулоқот қилишди.

Учрашувда юртимизда ёшларга оид давлат сиёсати ҳамда янги тахрирдаги Конституция ва “Ўзбе-

#### Сайловчилар муаммолари назоратга олинди

Қонунчилик палатаси депутати Равшан Мамутов Тўртқўл туманида бўлиб, ҳудуддаги қатор ташкилотлар вакиллари билан биргаликда аҳолини қийнаб келадиган муаммоларга ўз вақтида ечим топишга ҳаракат қилмоқда.

Тўртқўл тумани ҳокимлигида халқ вакилининг ўз

«Халқ сўзи».

Акс садо

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Покистон Ислom Республикаси Бош вазири Шаҳбoз Шариф 25-26 февраль кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди.

Мазкур ташриф давомида савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳаларда муҳим келишувларга эришилди. Буларнинг замирида, албатта, шу пайтгача икки давлат раҳбарлари бошчилигида ҳамкорлики амалга ошириш бўйича қилинган салмоқли ишлар ҳамда ўзарo манфаатли шериклики давом эттиришга оид кучли ирода ётибди.

Ўзбекистон — Покистон: Стратегик шериклик муносабатларида янги саҳифа

Аввало, 2021 йил 15-16 июлда Покистон Ислom Респу­бли­каси ҳуку­мат раҳбарининг Ўзбекистонга расмий ташри­фи доирасида Стратегик шериклик муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги қўша декларация имзоланган эди.

2022 йил 3-4 мартда давлатимиз раҳбарининг Поки­стонга олий даражали ташрифи доирасида эса бoж­хoна тўсиқларини камайтириш ва икки томонлама товар айир-бошлашга қаратилган Илтиёзли савдо тўғрисидаги битим имзоланди. Бундан ташқари, маданият, таълим, транспорт-логистика, ҳуқуқ-тартибот, терроризм ва бошқа йўналиш-лар бўйича ҳам идораларo ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Икки мамлакат тадбиркорлик субъектлари орасида ҳам бевосита фаол ҳамкорлики кўришимиз мумкин. Хусусан, 2024 йил 28 — 30 июнь кунлари Тошкентда Ўзбекистон — Покистон бизнес форуми ва унинг доирасида “Made in Pakistan” кўргазмаси ҳамда транспорт-логистика форуми ташкиллаштирилди.

Худудларo алоқалар кенгайиб, савдо-саноат палата-лари ўртасидаги ҳамкорлик ҳам мустаҳкамланмоқда. 2024 йил 29 ноябрь куни Лаҳор Савдо-саноат палатаси раҳбарияти ҳамда тўқимачилик саноати, тери ва жунни қайта ишлаш, фармацевтика, IT, маиший техника ишлаб чиқа-риш, озик-овқат маҳсулотлари, қoғoз саноати ва бошқа со-ҳаларда фаолият юртутчи 60 дан ортиқ тадбиркорлар иш-тиролда бизнес форуми ўтказилди. Тадбир доирасида Ўзе-бекистон компаниялари вакиллари ўз маҳсулотлари ҳақида тақдирот ўтказди. Покистонлик ҳамкорлар билан бирга-ликда маиший техника ишлаб чиқариш ва учинчи мамла-катларга экспорт қилишга келишиб олинди.

Умуман, икки давлат ўртасидаги савдо айланмаси 2018 йилда 98 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2024 йилга келиб бу кўрсаткич 400 миллион дол-ларга oшиб, доимий ўсишни кўрсатмоқда. Шунингдек, ма-даний-гуманитар соҳада ҳам фаол алоқаларни қулатиши-миз мумкин.

Музокараларда давлат раҳбарлари мазкур ҳамкорлик жа-дал ривожланиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этдилар.

Олий даражадаги учрашувларда имтиёзли савдо тўғри-сидаги битим доирасида товарлар рўйхатини кенгайтириш, фитосанитария ва карантин талаблари ҳамда бoж­хoна тар-тиб-таомилларини Ўзарo соддалаштириш, стандартларни яқинлаштириш, электрон савдо платформаларини интегра-ция қилиш ва бошқа масалалар устувор вазифалар сифа-тида белгиланди.

Етачки компанияларнинг фармацевтика, электротехника, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, геология ва минерал ре-сурслар, тўқимачилик, чарм саноати ва бошқа тармоқларда кооперация лойиҳаларини амалга ошириш режалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ва Покистон етакчилари транспорт жиҳати-дан ўзарo бoғ­лиқликини кучайтириш ҳамда транзит салоҳия-тини рўёбга чиқариш масалаларига алоҳида тўхталдилар.

Музокаралар якунида икки давлат етакчилари кўп қирра-ли Ўзбекистон — Покистон ҳамкорлигини янада ривожлан-тириш ва мустаҳкамлашга қаратилган Қўша декларация ҳамда икки томонлама Олий даражадаги стратегик шериклик кенгашини тузиш тўғрисидаги баённомани имзоладилар.

Глобал ва минтақавий тузилмалар, хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ислom ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа йирик тузилмалар доирасида ақин алоқалар ҳамда ўзарo қўллаб-қувватлашни давом эттиришга келишиб олинди.

Покистон билан ҳамкорлиқни кенгайтириш Ўзбекис-тон учун жуда муҳим. Айни пайтда ушбу мамлакат аҳоли-си 247 миллионни ташкил этади. Бу билан аҳолиси сони жиҳатдан дунёда бешинчи ўринда туради. Жаҳон банки маълумотларига кўра унинг ялпи ички маҳсулоти 330 мил-лиард АҚШ долларидан кўп.

Покистоннинг Жанубий ва Марказий Осиё ҳамда Яқин Шарқ чорраҳасида жойлашганлиги уни савдо алоқалари учун муҳим марказга айлантиради. Бу борада Ўзбекистон томонидан Трансафғон темир йўлини қуриш лойиҳасини амалга оширишда биргаликдаги саъй-ҳаракатлар зарурли-ги таъкидланмоқда.

Термиз — Мозори-Шариф — Кoбул — Пешовар темир йўлини қуриш бўйича стратегик лойиҳани амалга ошириш Афғонистонда тинчлик жараёнига ва ижтимоий-иқтисодий тикланишга ҳам кўмаклашади.

Бундан ташқари, Беларусь — Россия — Қозoғистон — Ўзбекистон — Афғонистон — Покистон мулътимoдал маршрутини ривожлантириш минтақадаги савдо-сотик рав-нақида муҳим аҳамиятга эга.

Айниқса, мамлакатнинг ахборот технологиялари сектори тез суръатларда ривожланиб, стартап экотизимлари, дасту-рий таъминот, мобиль иловаларни яратиш ва хизматлар, жумладан, АКТ хизматлари экспорти соҳасининг иқтисо-диётдаги улуши кенгайиб бормоқда. Албатта, ахборот те-хнологиялари сектори ривожланиши Покистондаги барча соҳа ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари равнақига ҳам бeвo-сита ижобий таъсир қилади.

Бу борада Ўзбекистон Покистоннинг Марказий Осиёдаги энг йирик савдо шеригига айлангани иқтисодий дипломати-ямизнинг ютуғи деб баҳолашни керак.

Покистон маданияти, тили ва урф-одатлари, азим тоғли худудларидан тортиб тарихий жойлари ижодкорлик ва ту-ризмни ривожлантиришга ёрдам беради. Шу нуктаи назар-дан, Ўзбекистон ва Покистон раҳбарларининг маданий-гу-манитар ва туризм алмашинувини янада кенгайтириш му-ҳимлигини қайд этгани алоҳида эътиборга молик. Музокара-ларда ўзарo маданият ҳафталиклари ва туризм дастурлари тақдиротларини ўтказишга келишиб олингани ушбу йўна-лишда катта салоҳиятни рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

Шунингдек, Покистон Жанубий Осиёда барқарорлиқни таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Покистон ва Ўзбекис-тоннинг ҳамкорлиги Жанубий ва Марказий Осиёдаги бар-қарорлиқни ушлаб туришда катта аҳамиятга эга.

Мазкур расмий ташриф Ўзбекистон ва Покистон ўртаси-даги кенг қамровли, ишончли ва ўзарo манфаатли ҳамкор-лиқнинг мантқий давоми бўлиб, истиқболда сиёсий, сав-до-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқаларнинг янада ривожланишига мустаҳкам замин яратади.

Уллубек ШЕРМАТОВ, Олий Махлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар, мудофса ва хавфсизлик масалалари кўмитаси раиси.

Тадбиркорлик ва бандлик:

ХОТИН-ҚИЗЛАР УЧУН КЕНГ ИМКONИЯТЛАР

Сўнгги йилларда аёлларимизга эъзoз ва эҳтиром кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш ва шу билан бир қаторда, оила барқарорлигини таъминлаш мақсадида мамлакатимизда муҳим қадамлар ташланди. Шулардан бири, албатта, аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатлардир.

Ислоҳот одимлари

Ўзбекистонда мазкур соҳадаги ислохотлар халқимизга хос қадри-ятлардан келиб чиққан ҳолда хо-тин-қизларнинг ижтимоий ва иқти-содий фаолиятини кенгайтиришга қаратилган. Миллий тажрибамиз “ўзбек модели”нинг устувор мақ-садларидан бири аёллар учун янги иш ўринларини яратиш, уларни тадбиркорликка жалб этиш, шу-нингдек, меҳнат шaroитларини яхшилашга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир.

Бу сингари хайрли ташаббуслар жамиятимизда фақатгина ҳуқуқий ҳимоянинг кучайтирилиши ёки манфаатларнинг таъминланишига эмас, балки ўзига хос тарихий, ма-даний ва ижтимоий ўзгаришларга ҳам сабаб бўлмоқда. Амалга оши-рилаётган ишлар натижасида хо-тин-қизларимизнинг фаоллиги ор-тиб, уларнинг оиладаги ва жами-ятдаги таъсири сезиларли дара-жада яхшиланаётгани кувонарли.

Сир эмаски, ақин ўтмишда мам-лакатимизда аёлларни тадбиркор-лик фаолиятига жалб қилишда қатор муаммо ва тўсиқлар мавжуд эди. Бугун эса бу йўналишда давлатимиз раҳбари ташаббуслар-и асосида муҳим ва тарихий қадамлар ташлангани тўғййли хотин-қизларимиз меҳнат бозори-да фаол иштирок этмоқда. Бирги-на ўтган йилнинг ўзида 251,4 минг нафар хотин-қиз доимий иш ўрин-ларига эга бўлди, 177,1 минг на-фар аёл меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касб-хунарларга ўқитилди, 147,3 минг нафари эса тадбиркорликка йўналтирилди. Бу рақамлар шунчаки статистика

эмас, балки тинимсиз қилинган меҳнат самарасидир.

Шунингдек, 55,1 минг нафар аёлга ажратилган 289 млрд. сўмлик субсидия уларнинг банд-лигини таъминлаб, оилавий бар-қарорлигига эришиш ва иқтисодий фаоллигини янада оширишга хизмат қилди.

Оилавий тадбиркорлиқни рив-ожлантиришга қаратилган муҳим ташаббуслардан бири — Халқ банки, “Микрокредитбанк” ва Биз-несни ривожлантириш банки томо-нидан 203,3 минг нафар хотин-қизга 3 трлн. 128 млрд. сўм миқ-дорида имтиёзли кредит ажрати-лиши бўлди. Бу, ўз навбатида, хо-тин-қизларнинг тадбиркорлик са-лоҳиятини рўёбга чиқариш, янги бизнес лойиҳаларини ишга туши-риш ва уларни иқтисодий жараён-ларга янада кенгроқ интеграция қилишга замин яратади.

Шу ўринда бундай хайрли та-шаббусларга кўмаклашиб, елка ту-таётган, ўзининг тажрибаси ва мо-лиявий кўмагини аямаётган мам-лакатларни эътироф этиш лозим. Ўтган даврда Германия, Жанубий Корея, Япония ва Қатар каби дав-латлардан жалб қилинган 40 млн. доллардан ортиқ сармоя хотин-қизларни касб-хунарга ўқитиш, уларнинг тадбиркорлик кўникмалари-ни шакллантириш, бандлигини таъминлашга қаратилган қатор лойиҳаларни амалга ошириш им-конини берди.

Айни пайтда ҳар бир ҳудудда аёллар бизнесини қўллаб-қувват-лаш, уларнинг муаммоларини ҳал қилиш мақсадида кенг қамровли

бўйича янги марказлар очилди. 1 055 та маҳаллада ташкил этил-ган ушбу марказлар орқали 50 мингга яқин хотин-қизлар касб-хунарга ўқитилди, уларни соғлом-лаштириш машғулотлари ўтказил-ди. Бундан ташқари, янги ишга туширилган “ayollar-bandligi.uz” ахборот платформаси ҳам иш то-пишда замонавий ва самарали во-сита бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз ривожланиш стратегиясида хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини оширишга катта эътибор қарати-

публика дастури тасдиқланди. Президентимиз Фармони билан тасдиқланган давлат дастурида шу йилнинг ўзида 635 минг хотин-қизни касб-хунарга ўқитиш ва уларнинг бандлигини таъминлаш вазифаси белгилаб берилди.

Шунингдек, хотин-қизларнинг тадбиркорлик салоҳиятини янада ривожлантириш учун ҳам янги-дан-янги имкониятлар яратилмоқ-да. Январь ойи натижаларига кўра 71 минг 851 нафар хотин-қиз касб-хунар, тадбиркорлик ва томорқачилик бўйича ўқитилди. 13 минг 507 нафар аёл доимий ишга жойлаштирилди, 11 минг 43 нафарига 708,9 млрд. сўмлик кредит ажратилди, уларнинг 679 нафарига субсидиялар бе-рилди. Бу жараёнларда аёллар-нинг меҳнат соҳасидаги ўрни яна-да мустаҳкамланмоқда.

Ушбу йўналишда қабул қилин-ган янги қарорлар ва фармонлар, хотин-қизларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш уларнинг бандлигини таъминлаш, янгича имкониятини шаклланти-ришга ва иқтисодий саводхонли-гини кучайтиришга алоҳида эъти-бор қаратиш муҳимдир. Биноба-рин, ҳар бир тадбиркор аёлнинг муваффақияти — бу нафақат унинг шахсий ютуғи, балки бутун оила ва жамият тараққиётининг гарови ҳисобланади.

Жорий йилда ҳам мазкур саъй-ҳаракатларнинг давомий сифатида ижтимоий ҳимояга муҳтож аёллар-ни моддий қўллаб-қувватлаш ва ишсиз аёллар бандлигини таъмин-лашга қаратилган ҳудудий ва рес-

“Хотин-қизларнинг тадбиркорлик салоҳиятини янада ривожлантириш учун ҳам янгидан-янги имкониятлар яратилмоқда. Январь ойи натижаларига кўра 71 минг 851 нафар хотин-қиз касб-хунар, тадбиркорлик ва томорқачилик бўйича ўқитилди. 13 минг 507 нафар аёл доимий ишга жойлаштирилди, 11 минг 43 нафарига 708,9 млрд. сўмлик кредит ажратилди, уларнинг 679 нафарига субсидиялар берилди. Бу жараёнларда аёлларнинг меҳнат соҳасидаги ўрни янада мустаҳкамланмоқда.”

маҳсулотлар ишлаб чиқариш ёки янгидан-янги хизматлар кўрсатиш орқали нафақат ўз оиласи, балки жамиятимиз иқтисодий ривожига ҳам ҳисса қўшаётгани аини ҳақиқат. Хусусан, тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган 403 нафар хотин-қизга 23,7 минг квадрат метр майдон ижарага бе-рилгани, 81 нафар аёлга деҳқон-чилик хўжалиги учун ер ажратил-гани, 140 нафарининг бино ва ер майдонидан фойдаланиш мудда-ти узайтирилгани бугунги кунда тадбиркор аёлларга кўрсатилаёт-ган манзилли ёрдамнинг аққол на-мунасидир, десак, хато бўлмайди.

Шу билан бир қаторда, юрти-мизнинг турли худудларида хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш

лар экан, бу камбағалликни қисқартириш, ишсизликка барҳам бериш борасида аниқ ва пухта иш-ланган чора-тадбирлар амалга оширилишини тақозo этади. Маз-кур жараёнда аёлларнинг тадбир-корлик кўникмаларини шаклланти-ришга ва иқтисодий саводхонли-гини кучайтиришга алоҳида эъти-бор қаратиш муҳимдир. Биноба-рин, ҳар бир тадбиркор аёлнинг муваффақияти — бу нафақат унинг шахсий ютуғи, балки бутун оила ва жамият тараққиётининг гарови ҳисобланади.

Жорий йилда ҳам мазкур саъй-ҳаракатларнинг давомий сифатида ижтимоий ҳимояга муҳтож аёллар-ни моддий қўллаб-қувватлаш ва ишсиз аёллар бандлигини таъмин-лашга қаратилган ҳудудий ва рес-

Зулайхо МАҲКАМОВА, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — Оила ва хотин-қизлар кўмитаси раиси.

МИЛЛИЙ ҚЎШИҚЧИЛИК САНЪАТИ ЙЎЛИДАГИ ФИДОКОРОНА ИЖОДНИНГ ЮКСАК ЭЪТИРОФИ



Гулomжон Ёкубов 60 йилдан буюн санъат йўлида хизмат қилиб келмоқда. У 45 йилдан ортиқ Ўзбекистон филармониясида меҳнат қилиб, халқимиз учун манзур бўладиган қўшиқлар яратди. Унинг қўшиқлари мамлакатимиз ҳудудидан олисларда ҳам бугун жаранг сочмоқда.

— Гуломжон қайси даврага кирса, ўша даврага албатта файз қиради, — деди Ўзбекистон халқ артисти Фаррух Зокиров. — Унинг одоби, муомала мада-нияти, сахна маданияти, томошабин-ларга ҳурмати ёшларга намунадир. Президентимизнинг санъат ривожига кўрсатаётган чексиз эътибори Гуломжон Ёкубов меҳнатларининг шундай юксак эътирофида ҳам намоён бўлди.

Устоз санъаткор миллий мумтоз ва эстрада йўналишидаги қўшиқларни ҳам маромига етказиб ихро этади. У 1985 йил-да «Мелодия» ижодий фирмасининг «Олтин диск» мукофоти билан тақдирлан-ган. Истиқлол йилларида моҳир санъат-кор «Дўстлик», «Эл-юрт ҳурмати» орден-лари билан тақдирланган.

— Санъат йўлидаги меҳнатларим шун-дай эъзoзланганидан жуда мамнунман, — деди Ф. Ёкубов. — Халқимизга бетақрор қўшиқлар тақдим этиш йўлида бундан буюн ҳам ўз куч-гайратимни аямайман.

Тантанали мусликий кечада Ватанни, меҳр, садоқат ва гўзаллиқни тараннум этувчи куй-қўшиқлар янгради.

Назoкат УСМОНОВА, ЎЗА МУХБИРИ. Нoсир ҲАЙДАРОВ (ўз.) олган сурат.

ТИКА кўмагида замонавий лаборатория очилди

Тошкент архитектура-қурилиш университетиди Туркиянинг етакчи таъшилотларидан бири — Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги — ТИКА кўмагида янги лаборатория очилди.

Янгилик

Шу муносабат билан ташкил этилган маросимда сўзга чиққанлар ушбу лабораториянинг очилиши уни-верситет илмий тадқиқот салоҳиятини ошириш, тала-балар амалий билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш ҳамда халқарo ҳамкорлиқни кенгайтириш йўлида му-ҳим қадам эканлигини таъкидлади.

Замонавий технологиялар билан жиҳoзланган ушбу лаборатория қурилиш материалларини синовдан ўтка-зиш, муҳандислик таҳлиллари ҳамда турли инноваци-он тадқиқотларни амалга ошириш имконини яратади.

Лойиҳа университетнинг халқарo стандартларга мос равишда илмий изланишлар олиб бoриш ҳамда таъ-



лим жараёнининг сифатини яхшилаш борасидаги саъй-ҳаракатларининг натижаси сифатида эътироф этилди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон ва Қозoғистон тўртта қўшимча савдо йўлаги очади

Ўзбекистон — Қозoғистон ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни янада яхшилаш, маҳсулот айирбошлаш кўламини кенгайтириш мақсадида тўртта қўшимча савдо йўлаги очиш режлаштирилмоқда.

Дўстлик ришталари



Бу ҳақда Ўзбекистоннинг ушбу мамла-катдаги Фавқулodда ва мухтор элчиси Б. Иброҳимов Жетису вилояти тадбиркор-лари билан учрашув чоғида маълум қилди. Дипломатик миссиямиз раҳбари Ўзе-бекистон томони илгари сураётган, мам-лакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ало-қани ривожлантиришга қаратилган иш-лар ҳақида батафсил маълумот берди. Хусусан, айни чоғда давлат чегараси на-зорат-ўтказиш манзилларида жорий таъ-мирлаш ишлари олиб бoрилаётганини таъкидлади.

Маълумотларга кўра ҳозирги кунда ю-ртимизда Қозoғистон капитални иштироки-даги мингдан ортиқ корхоналар муваф-фақиятли фаолият юритмоқда. Таъкидлаш жоиз, икки давлат иқтисодий муносабат-лари минтақаларo алоқаларни мус-таҳкамлаш жараёнига ҳам бевосита ижо-бий таъсир кўрсатади.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

